

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Сайлов – 2016

САЙЛОВ УЧАСТКАСИ МУҲИМ ТАДБИРГА ШАЙ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови-ни юқори савияда ўтказишни таъминлаш мақсадида олиб борилаётган чора-тадбирлар, тайёргарлик ишлари Тошкент вилоятида ҳам қизгин давом этмоқда.

Вилоятда ташкил этилган 876 сайлов участкасида 1 миллион 943 минг 300 га яқин сайловчининг овоз бериши кутилмоқда. Барча сайлов участкалари давлат рамзлари, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, зарур адабиёт ва қўлланмалар, овоз бериш кабина ва қўтилари, она ва бола, тиббиёт хоналари зарур жиҳозлар билан таъминланди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг плакатлари, номзодлар дастури, йўриқнома, низоми ва қонунлар жамланмаси жойларга етказилди.

10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссиясида сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тегишли тартибда режа ишлаб чиқилиб, комиссия аъзолари ўртасида вазифалар тақсими тасдиқланган. Округ сайлов комиссияси аъзолари режа асосида сайлов участкаларидаги тайёргарлик ишларининг бориши юзасидан белгиланган тартибда мунтазам мониторинг ишларини олиб бормоқда.

Чирчиқ шаҳрида 52 сайлов участкаси тузилган. Сайлов куни бу ерда 114 минг 884 фуқаро миллий қонунчилигимизда белгиланган қўлланма ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдаланиб, овоз бериши ку-

тилмоқда. Уларнинг 3 мингга яқини сайловда биринчи марта иштирок этаётган ёшлардир. Чирчиқ олимпия захиралари коллежи биносида жойлашган 135-сайлов участкаси хоналари чақирув плакатлари, комиссия иш фаолияти, сайловга бағишланган стендлар, участка сайлов комиссияси ҳудуди харитаси ва бошқа материаллар билан жиҳозланди, дейди участка сайлов комиссияси раиси Саид Зиёев. Марказий ҳамда округ сайлов комиссиялари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлини томонидан сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билимини ошириш, сайлов комиссиялари фаолиятини самарали ташкил этишга бағишлаб ўтказилган семинар-тренингларда қатнашиб, тегишли тавсиялар олмоқдамиз.

Бўлажак сайловда 135-сайлов участкаси ҳудудидаги 1 минг 900 дан ортиқ сайловчининг ўз конституциявий ҳуқуқ ва бурчидан эмин-эркин фойдаланиши, сайловнинг ҳар томонлама юқори савияда, демократик талаблар асосида ўтиши учун барча шароит яратилди.

И. АВВАЛБЕКОВ,
ЎЗА мухбири.

Қибрай туманидаги "Дўрмон" маданият саройида вилоят ҳокимлиги ва хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан "Тадбиркор аёл" уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган ишбилармон аёллар форуми ана шундай номланди.



Анжуманда "Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш – бугунги куннинг долзарб масаласи" мавзuida маъруза қилар экан, вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиёва аёлларимизнинг тадбиркорликка қизиқиши тобора ортиб бораётганини эътироф этди. Зеро, ҳозирги кунда 8248 тадбиркор, 972 хунарманд, 735 фермер аёлларимиз вилоят ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этмоқда. Уларнинг 1818 нафарига йил бошидан шу кунга қадар 71 миллиард 5 миллион сўм кредит ажратилди, натижада яна 1057 та янги иш ўринлари яратилди.

Форумда, шунингдек, "Марказий банк" ва бошқа барча тажрибали, Давлат солиқ инспекцияси, Ўзбекистон Сав-

до-саноат палатаси, "Тадбиркор аёл" уюшмаси вилоят бошқарма ва бўлимлари вакилларининг тадбиркорлик соҳасидаги янгиликлар, қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятига оид маърузалари қизиқиш билан тингладилар. Тадбир давомида вилоят тадбиркор аёллари эришган ютуқлар акс этган видеолавлар намойиш этилди. Энг муҳими, коллеж ўқувчилари ва битирувчиларини тадбиркорликка жалб этиш, иш билан таъминлаш масаласи қизғин муҳокама қилинди.

– Мен тикувчилик, тўқувчилик, мунчоқлардан турли тақинчоқлар ясашга қизиқаман, дейди Чиноз хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт касб-хунар коллежи ўқувчиси Анара Мақсудалиева. – Хунармандларга яра-

тилаётган қулай шароитлар, имтиёзу имкониятлардан фойдаланиб, дугоналарим билан келгусида тикувчилик цехи, ўқув маркази ташкил этмоқчимиз.

Ўрта Чирчиқ миллий хунармандчилик коллежининг дизайнерлик йўналишида таълим олаётган Саодат Хайдарова эса гобелен-гилам тўқишининг ўзига хос усулига қизиқар экан.

Саодат тўқиган мўъжазгина гиламча қўлма-қўл ўтар экан, тенгдошлари завқ ва ҳавас билан томоша қилишди.

Янгийўллик тадбиркорлар оиласидан Муборак Мирзабобоева ва Муниса Тошпўлатова етиштирилган анвойи гуллар ҳам қатнашчиларга завқ-шавқ бағишладилар. Ёш тадбиркор, қибрайлик Умидаҳон Тошмуҳамедова эса, иссиқхонада инноваци-

□ Форум

цион технология асосида қулпнай етиштиришнинг ўзига хос усулини топгани учун унинг лойиҳаси республикада 1-ўринга муносиб топилди.

– Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш учун ажратилаётган кредитлар кейинги йилларда 20-30 фоиз кўпайди, дейди вилоят "Тадбиркор аёл" уюшмаси раиси Малика Қодирхонова. – Яратилаётган янги иш ўринларининг 76 фоизи тадбиркорлар улушига тўғри келаяпти. Бу соҳада дунёнинг энг ривожланган 5 та мамлакат қаторидан ўрин олганимизнинг ўзи биз учун ғоят шарафли ва шу билан бирга масъулиятлидир.

Бир сўз билан айтганда, вилоятимиз аёлларининг тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун кенг имкониятлар яратиш, чекка ҳудудларда ҳам оилавий тадбиркорлиқни, касаначилиқни ривожлантириш, шу орқали хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, касб-хунар коллежи битирувчиларини тадбиркорликка йўналтириш мақсадида ўтказилаётган бундай анжуманлар янада юксак самаралар бериши аниқ.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат.



□ Мавсумга тайёرمىсиз?

Корхона, ташкилот, муассаса ва аҳоли тураржойларини куз-қиш мавсумида табиий газ ва электр қуввати билан узлуксиз таъминлаш мақсадида ҳар йили аниқ режа асосида амалга оширилаётган чора-тадбирлар айни кунларда якуновчи паллага кирди.

ЧИРОҒИ ЁНИҚНИНГ КЎНГЛИ РАВШАН

Хусусан, Янгийўл тумани электр таъминоти корхонаси ишлаб чиқариш объектлари ва аҳоли тураржойларини электр қуввати билан таъминловчи барча субъектларни куз-қиш мавсумида барқарор ишлашни таъминлаш юзасидан белгиланган чора-тадбирларни охирига етказмоқда. Режага киритилган 115,2 километр узунликдаги ҳаво электр тармоқлари тўла кўриқдан ўтказилди.

10/6 кВли 85,7 километр, 0,4 кВли 195,8 километр узунликдаги ҳаво электр тармоқларида ҳар йили куз-қиш мавсуми олдидан бажариладиган жорий таъмирлаш ишлари якунланди. Силларга тегиб қолган дарахт шохлари тозаланиб, фазадаги юктамаларнинг тенг тақсимланиши таъминланди. Осилиб қолган силлар таранглаштирилди. Электр токини ўтказмай-

диган чиғаноқларнинг нуқсонли борлари янги-ларига алмаштирилди. Таъмирталаб сим-ёғочлар бутланиб, таянчлар билан мустаҳкамланди. Шунингдек, режага киритилган 25 дона трансформатор пунктларининг ҳаммаси мукамал таъмирланди. Режага кўра, 85 дона трансформатор пунктнинг жорий таъмирлаш, 28,3 километр 10/6 кВли ҳамда 0,4 кВли ҳаво электр тармоқларини мукамал таъмирлаш, 65 дона трансформатор пунктнинг профессионал синовдан ўтказиш ишлари якунланмоқда.

– Ҳозирги кунгача 2016-2017 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш режасига киритилган энг муҳим устувор вазифалар муддатидан кечиктирмай бажарилди, дейди Янгийўл тумани электр таъминоти корхонаси раҳбари Мурод Тўраев. Самад Йўлдош.

МЕНИНГ ҲАМ ЎЗ ОВОЗИМ БОР

Яқинда 18 га тўлдим. Қуйи Чирчиқ агроиқтисодиёт коллежида ўқийман. Шу кунларда ҳаяжоним ичимга сиғмайди. Ахир, Ўзбекистон Республикаси фуқароси сифатида 4 декабрда бўлиб ўтадиган Президент сайловида илк бор иштирок этаман.

□ Фахр

Қувончимнинг яна бир сабаби, бизда хотин-қизларга катта эътибор ва кенг имкониятлар берилаётганидир. Зеро, тарих дарсларида ўқиганимиздек, баъзи мамлакатларда аёллар сайловда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум экан. Бизда эса аёллар

сайловда фаол иштирок этишади. Сайлов куни қайси сайлов участкасида боришим, қатнашган овоз беришимни яхши биламан. Бу ҳақда бобожонимдан сўраб, ўрганиб олдим. Энди шу кун келишини сабрсизлик билан кутаяпман.

Ирода МАҲКАМОВА.

МУРОЖААТЛАР ОДИЛОНА ЕЧИМ ТОПАЯПТИ

Ҳар биримиз кунига бирор дўкон ёки савдо мажмуасидан озиқ-овқат маҳсулотлари, уй-рўзгор буюмлари, мебель, кўйинги, ўзимиз ва оиламиз учун зарур бўлган товарлар харид қиламиз. Демак, биз бозорнинг фаол иштирокчиси, яъни истеъмолчимиз. Бозорнинг эса ўз қонуниятлари бор.

□ Истеъмолчи доимо ҳақ

Тасаввур қилинг, сотиб олган маҳсулотимиз кўн-гилдагидек чиқмади, бошқа бир харидимизнинг сифати стандарт талабига жавоб бермади, яна бир маҳсулотдан айрим сабаб-

ларга кўра, фойдаланиб бўлмаслиги маълум бўлди. Бундай ҳолларда нима қилиш керак? Сотиб олинган буюмини алмаштириш ёки қайтариб бериш мумкинми? Очик айтиш керак-

ки, бундай ҳолатларда қандай ҳаракат қилишни барча истеъмолчи ҳам билавермайди. Шундай экан, харидор сифатидаги мажбуриятларимиз ва истеъмолчи сифатидаги ҳуқуқларимизни билиш бугунги куннинг энг муҳим талабларидан биридир.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда фуқароларнинг истеъмолчи сифатидаги ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан кафолатланган. Хусу-

сан, Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни истеъмолчиларнинг ишлаб чиқарувчилар, сотувчилар, турли хизмат кўрсатувчилар билан ўзаро муносабатларини тартибга солишга ҳизмат қилмоқда. Мазкур ҳужжатлар жамоат бирлашмаларининг истеъмол соҳасидаги сиёсатни шакллантиришда фаол иштирок этиши учун ҳам кенг имкониятлар яратмоқда.

Давоми 2-бетда. ►

ТОҒЛАРИЮ БОҒЛАРИ ЎСАЁТГАН ЮРТ

Саховатли куз юртимиз боғларига тўкин дастурхон ёзганида водийга меҳмонга борадиган бўлди. Ҳамроҳлар билан кенгашиб, "Тошкент – Андижон" поездида "Ангрен – Поп" темир йўли орқали кетишни режалаштир-

дик. Рости, кўнглимизда аср қурилиши – доvon бўйлаб ўтган пўлат изларни, сал кам 20 минг метрлик туннелни ўз кўзимиз билан кўриш истаги анча аввал уйғонган. Хуллас, зўр иштиёқ билан йўлга отландик.

далаю боғлари тилла тусда товланади. Олтинга алишгусиз бу манзараларни, борлиқдаги файзни сўзда ифодалашнинг имкони йўқ.

Елдек чопаетган поезддан ҳам учқурроқ нигоҳларимиз йўлдаги қизғиш-сарик рангларга ғоят мутаносиб тус олган қирғовулни беҳат то танийди. Шитоб ўтиб кетганимизга қарамай, унинг тумшуги узун қора патли думига анча-тиник қўринади. Елкасидаги рангин патлари кўзни қувонтиради. Шу пайт "Бобурнома"даги таъриф ёдга тушади. Ростгўйлиги

билан дунё аҳлининг меҳру эҳтиромини қозонган Бобур Мирзонинг ёзишча, юртимизда устхони тўрт кишини тўйдирадиган даражадаги қирғовуллар бўлган экан. Бобур бобимиз ов қушларининг юзлаб хилларини бирма-бир тавсифлаб ўтган...

Йўлда эътиборимизни тортган яна бир жиҳатга тўхталмасак бўлмас: темир йўл ёқасидаги уйлар йўлакларда, далаю боғларда турган каттаю кичик ю р т д о ш л а р и м и з поездга табассум билан қўл силкиб қолади, худди келишиб олган-

дай. Бу ҳолат янги поездда янги йўлдан манзилга бораётганларга ҳаваснинг ифодаси бўлиб туюлди. Қўл силкиб қолаётган одамлар тасвирига шохларини шовуллатаётган теракзорлар манзараси ула-ниб кетади. Дарахтлар ҳам бизга оқ йўл тилаб қолаётгандек. Теракзорларда болажон халқимизнинг умидлари бўй чўзаяпти. Бизда ўғил ўстирган хонадон борки, албатта, терак экади, фарзанд туғилиши билан ўн беш-йигирма йил кейин қуриладиган иморатга ҳозирлик бошланади.

Давоми 4-бетда. ►

□ Йўл очерки

Учқур поездга яқинлашишимиз билан кўркам либосда, кўзлари чақнаб турган йигит-қиз – вагон кузатувчилари очик чехра билан кутиб олишди ва ўриндиқкача кузатиб қўйишди. Ҳамма вагон кузатувчиларининг юз-кўзида фахр, кўриб қўйинглари, биз

мана шу вагоннинг соҳибимиз деган ярашиқ мақтаниш зоҳир. Кета-кетгунча амин бўлдики, поезддаги шарт-шароит, хизмат кўрсатиш сифати аслида ҳам мақтанишга арзир экан.

Деразадан қараб кетарканмиз, шаҳарнинг

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан ташкил этилган Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ва унинг ҳудудий бирлашма ва бўлимлари ушбу йўналишда самарали фаолият юритмоқда.

— Соҳамизга оид амалдаги қонунчиликнинг мазмун-моҳияти ҳақида фуқароларни ҳабардор қилиш, уларга ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни ўргатиш асосий вазифамиз, — дейди Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси вилоят ҳудудий бирлашмаси ижрочи директори О. Маҳмудов. — Бугун бирлашма тизимида 18 туман ва шаҳар жамиятлари

фаолият кўрсатмоқда. Маҳаллалар, олий ўқув юртлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқа таш-

билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган режалар асосида изчил тадбирлар ўтказмоқда. Хусусан, йилнинг ўтган дав-

роҳлари ҳамда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши билан ҳамкорликда 120 тадан кўпроқ

режаси ишлаб чиқилди. Ушбу бирлашма ташаббуси билан жамоат транспорти, тиббий, савдо ва маиший хиз-

лашнинг аҳоли мунтазам ўрганиб борилаётгани, ушбу мавзулар бўйича ижтимоий сўровлар ўтказилаётгани жойлардаги аҳолини аниқлаш ва маълумотларни ваколатли идораларга тақдим этиш, энг муҳими, мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишда алоҳида аҳамият касб этаётди.

Шу йилнинг ўтган тўққиз ойида вилоят истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳудудий бирлашмасига 385 дан ортиқ ёзма ва оғзаки мурожаат тушди ва 283 таси ижобий ечим топиб, 298,5 миллион сўм истеъмолчилар фойдасига ҳал этилди. Шунингдек, "Ишонч телефони" орқали тушган мурожаатлар бўйича ҳам тегишли чоралар кўрилди, қолган аризалар юзасидан аҳолига зарур тушунтириш ва маслаҳатлар берилди.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.



КУЧ БИРЛАШСА ХАСТАЛИК ЧЕКИНАДИ

Юқори Чирчиқ туманидаги 24-Болалар мусика ва санъат мактабида "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди вилоят ҳудудий филиали ташаббуси билан "Биргаликда кучлимиз — ҳамжихатликда курашайлик" шиори остида хайрия акцияси ўтказилди.

14 ноябрь — Халқаро қандли диабетга қарши кураш куни муносабати билан ташкил этилган ушбу тадбирда вилоят хотин-қизлар кўмитаси, соғлиқни сақлаш бошқармаси, вилоят эндокринология диспансери мутахассислари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, айниқса, она ва бола саломатлигини сақлашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширишда бу борадаги давлат дастурлари ва ҳукумат қарорлари ижросини таъминлашда нодавлат ташкилотлар ҳам фаол иштирок этмоқда.

Хусусан, "Соғлом авлод учун" хайрия фонди томонидан бемор болалар ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларига амалий кўмак бериш, уларни моддий ва маънавий кўллаб-қувватлаш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, аёллар соғлигини мустаҳкамлашга оид қатор тадбирлар, жумладан қандли диабетга чалинган болалар учун акциялар ташкил этилаётди.

Маълумотларга кўра, ҳозирги кунда вилоятда уч юздан зиёд бола шу хасталикка чалинган. Тадбир доирасида шундай ўғил-қизларнинг бир гуруҳига турли витаминлар, кийим-кечак ва санитария-гигиена воситалари, дори-дармонлар улашилди.

Ўз мухбиримиз.

ГЎЗАЛЛИК САЛОНЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Мамлакатимизда хотин-қизлар ўртасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, уларнинг бандлигини таъминлаш давлат ва жамиятнинг доимий эътиборидаги вазифадир.

Ирода Қорабоева ўн йил муқаддам ўз бизнесини йўлга қўйиш ниятида лойиҳа тақдим этганида, "Қишлоқда гўзаллик салоҳиятига эҳтиёж бормикин", дегувчилар бўлди. Бироқ, ахди қатъий қиз ҳаракатдан тўхтамади. Бугун унинг "Мадина" гўзаллик салоҳияти Чиноз туманида билмайди хотин-қиз кам.

— Биринчи Президентимиз Ислам Каримов: "Қишлоқларимизда хотин-қизларимиз учун қулай шароитни яратиш биринчи галдаги вазифалардан биридир. Қерак бўлса, энг чекка қишлоқларимизда ҳам

аёллар учун гўзаллик салоҳияти очилсин. Хотин-қизларимиз ҳаммаша гўзал бўлиб юришсин", деган эдилар, — дейди Ирода Қорабоева. — Зеро, дунёни гўзаллик қутқаради, дея бежиз айтишмаган. Бундай эътибор ўша пайтларда ўйлаб юрган режамни амалга оширишимга туртки бўлди. Мана бугун салонимизда гўзаллик қўшилаётган хотин-қизларни кўриб қувона-япман, касбимга бўлган меҳрим янада ошяпти. Шогирдларим билан ҳар куни улар хизматидамиз.

Сурайё АХМЕДОВА.

КИТОБ — ХАЗИНАЛАР КАЛИТИ

Паркент туманидаги 3-умумтаълим мактабида "Китобим ва мен" мавзуида маънавий-маърифий кеча бўлиб ўтди.

Туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди — маҳалла таълим муассасаси — ҳамкорлиги доирасида ташкил этилган тадбирда Паркентдаги кутубхоналар фаолияти ва бугунги китобхонлик борасида фикр-мулоҳаза юритилди.

— Ўқувчиларга билимлар хазинаси калити бўлиши китобни қадрлаш ва эъзозлашни ўргатиш бугун-

нинг энг долзарб вазифаларидан бири, — дейди мактаб ахборот-ресурс маркази раҳбари Маъмура Аҳмедова. — Шунинг эътиборига олиб, ўқувчилар ўртасида китобхонлиқни янада кучайтириш мақсадида қизиқарли тадбирлар, викториналар, турли соҳа вакиллари иштирокида давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Бу ёш авлоднинг маънавиятини юксалтириб, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашга кўмаклашади.

Дилфуза МИРОБИДОВА.

МУРОЖААТЛАР ОДИЛОНА ЕЧИМ ТОПАЯПТИ

килотларда 185 дан ортиқ "Таянч гуруҳлари" ишлаб турибди. Бундан ташқари, жойлардаги истеъмолчилар жамоатчиликлари ҳаракатининг 32,5 мингдан ортиқ аъзоси истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда фуқароларга ёрдам бермоқда.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва хизматлар сифати ҳамда хавфсизлигини таъминлашда турли тузилмалар билан ҳамкорлик ва биргаликдаги ҳаракат яхши самара бермоқда. Шулар эътиборига олинган ҳолда, ҳудудий бирлашма давлат идоралари, назорат қилувчи органлар, нодавлат ва жамоат ташкилотлари



рида вилоят прокуратураси, халқ таълими, ўрта-маҳсус, касб-хунар таълими, маданият ва спорт ишлари бошқармалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш

давра суҳбати ва ўқув семинарлари ўтказилди. Айни пайтда вилоят касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши билан кўшма чора-тадбирлар

мат, коммунал хўжалик, умумий овқатланиш, таълим, маданият ва бошқа соҳаларда кўрсатилаётган хизматлар сифати ва истеъмолчи ҳуқуқларини таъмин-

Қишлоқ мулкдорлари

"Минакулова Шахло" нафақат Ўрта Чирчиқ тумани, балки вилоятда ҳам ном чиқарган фермер хўжаликларида бири. Ташкил этилганда бундан давлат эҳтиёжлари учун пахта ва галла сотиш шартномаларини бирор йил канда қилмай, ортиғи билан бажаради. Мухими, пахта ҳосилдорлиги 40 центнердан, галланики 50 центнердан юқори.

"ДЕҲҚОННИНГ ДЕҲҚОНДАН ФАРҚИ БОР"

дейди Ўрта Чирчиқ туманилик
фермер Назарқул Минакулов

Яъни, балл-бонитет ҳамда экин майдонида бир хил эмас.

— Тўғри. Масалан, мутахассисларнинг аниқлашларича, бизнинг экин майдонларимизнинг умумдорлиги пастроқ. Яъни, балл-бонитет 54,7 бўлиб, пахта юзасидан шартнома тузишда ҳосилдорлик 22 центнер микдорида белгиланиши керак. Биз эса, ҳар йили 30 центнердан шартнома тузиб, амалда 40 центнердан ошириб ҳосил оламиз. Бу нафақат туман, балки вилоятда ҳам анча юқори натижа. Демак, "ердан ерининг фарқи бор" лиги ҳиддий тўсиқ эмас. Аксинча, "деҳқондан деҳқоннинг фарқи бор", дейилса, ҳақиқатга яқин бўлади.

— Пахта — техник экин. Демак, пахта етиштирувчи фермер хўжалигининг техникалари бадас-тир бўлиши керак, шундай эмасми?

— Пахтага бошқа экинларга нисбатан кўпроқ техника билан ишлов берилиши бор гап. Шундай паллалар бўладики, ўзани айнаб бугун култивация қилиш керак. Айтмоқчиманки, фермер

ғўзасига ишлов беришда бировнинг техникасига суянса, панд еб қолиши мумкин.

Хуллас, бизнинг МТПларга ишимиз тушмайди. Техникамиз ўзимизга етарли. 2011 йилда ТТЗ-8011 чопиқ, 2013 йили ТЛ-100 ҳайдов тракторларини сотиб олдик. 2014 йили ғўзага дефолант ҳамда зараркунанда ҳашарот ва касалликларга қарши кимёвий дори сепадиган ОВХ-600 аппаратини харид қилдик. Ўтган йили эса ғўзапоҳ ўради-ган НРУ техникасига эга бўлдик. Дарвоқе, унинг ёрдамида экинларга ўғит ҳам сочиш мумкин.

— Айтишларича, хўжалигингиз фақат уруғлик галла етиштирар экан...

— Галла экиб, ҳосилини давлат эҳтиёжлари учун топширишни ҳамма ҳам эплайверади. Аммо, уруғлик дон етиштиришнинг йўриғи бўлак. Деҳқоннинг "Сара уруғ — ҳосил бўлиқ" деган иборасида ҳикмат кўп. Уруғликнинг сифати — ҳосилдорлиқнинг бирламчи кафолати. Уруғлик бугдой майдони аввалбошданок бегона ўтлардан мутлақо холи

бўлиши керак. Шунда уруғлик таркибида бегона ўт уруғи бўлмайди, у сепилган майдонни ортиқча ўт босмайди. Пировадиди эса, уруғликка топшириладиган бугдой тўқ ва сара бўлиши лозим. Бу фермердан алоҳида маҳорат ва кунт талаб этади.

— Бу йил кўлам серёгин бўлди. Давлат эҳтиёжлари учун пахта ва галла топшириш шартномаларини ҳар йили биринчилардан бўлиб, ортиғи билан бажарадиган хўжаликка бу нуқулдайлик ортиқча ташвиш келтирмадими?

— Йўқ. Суҳбатимиз аввалида айтганимиздек, асл деҳқон учун об-ҳавонинг у қадар аҳамияти йўқ. Агар кимдир шундан нолиса, буни баҳона деб тушуном керак.

Тўғри, кўламги сурункали ёғин ҳамма қатори бизнинг ҳам кўзимизни очиради, кўлимизни боғлади. Лекин, биз осмонга эмас, ерга, яъни экиннинг ҳолатига қараб, ишимизни билиб қилдик ва ҳар йилгидек, айтган ҳолимизни олдик. Хусусан, 38,5 гектар майдонга сепилган "Як-

ИБРАТЛИ ТАШАББУС

Қибрай туманидаги Байтўғрон қизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт касб-хунар коллежининг фаол ўқувчилари ташаббуси билан 42-иқтисодлаштирилган мактабда "Ҳақон аро бетақор тилим" мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбир

Унда ўзбек тили ва адабиёти ривожига улкан ҳисса қўшган аждодларимиз ҳаёти ва ижодига доир сахна кўринишлари, адабий-бадиий композиция, миллий кўшиқ ва рақслардан иборат концерт дастури намойиш этилди. Шунингдек, коллежда ўтказилган "Китоб акцияси" да йиғилган китоблар мактаб кутубхонасига топширилди.

Ойбек КАРИМОВ.

2017 йил учун «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда»

газеталарига
обуна бўлишни
унутманг!
Вилоятимиз
ҳаётида ке-
чаётган улкан
ўзгариш ва
янгиликларни,
бунёдкорлик иш-
ларини биз билан
биргаликда
кузатиш!

ЎҚУВЧИЛАР МЕТАЛЛУРГЛАРДАН МИННАТДОР

Бекобод шаҳрида болалар спортини ривожлантириш, ёшларнинг истеъдод ва салоҳиятларини намоён этишлари имконият яратишда "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик жамиятининг ҳиссаси катта.

Тухфа

Яқинда шаҳардаги 3-умумтаълим мактаби ўқувчилари ҳам металлурглар тухфасидан баҳраманд бўлишди. Мактаб ҳудудида акциядорлик жамияти ҳомийлигида барпо этилган мини-стадион фойдаланишга топширилди.

Маросимда бундай иншоотлар, яратилаётган замонавий шароит ва имкониятлар спортни янада оммалаштириш, айниқса, мунтазам шугулланаётган ўғил-қизлар сафи кенгайишига хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

Бекободдаги спорт мажмуаларида тарбия топган ёшларнинг мамлакат чемпиони, қатор халқаро мусобақа ва Олимпиада ўйинлари қолиби бўлишга қодир бўлишлари шундай натижасидир.

Ўз мухбиримиз.

Эшитамиз, деманглар...

Дикқат, "Ёнғин хавфсизлиги кунлари!"

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрдаги "Ҳар йили ёнғин хавфсизлиги ойлигини ўтказиш тўғрисида"ги 309-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари, туманлари, аҳоли пунктлари ва иқтисодиёт

Маъмур тадбир иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектлари, шунингдек, уй-жой фондини ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш

тармоқлари объектларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини кучайтириш мақсадида шу йилнинг 10 ноябридан 2017 йилнинг 10 январига қадар "Ёнғин хавфсизлиги кунлари" ўтказилади.

ҳамда ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнғин хавфи юқори бўлган объектларда хавфсизлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга

нафақат давлат ва ўз шахсий мулкнинг, уй-жойининг ёнғиндан асрайсиз, балки ақинларингиз ҳамда фарзандларингиз хавфсизлигини ҳам таъминлайсиз.

"Ёнғин хавфсизлиги кунлари" да фаол иштирок этинг!

**Тошкент вилояти ИИБ
Ёнғин хавфсизлиги
бошқармаси.**

Реклама ва эълонлар

Дикқат! Дикқат! Дикқат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси Инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар қабул қилиниши шарти билан "ноль" харид қийматида сотиладиган давлат активлари бўйича очик танлов савдоларига таклиф этади.

Танлов савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади:

№	Давлат объект номи	Биномининг эълоний майдон (кв.м.)	Ўзқулай эр майдон (га)	Объект маълумоти	Президент, ҳукумат қарори расми ва санаи	Баъзидан савдочи	Объектга инвестициянинг эълон қилиниши (кв.с) (сана)	Объектга инвестициянинг эълон қилиниши (кв.с) (сана)	Инвестициянинг баъзидан қилиниши (кв.с) (сана)	Объектга инвестициянинг эълон қилиниши (кв.с) (сана)
1	"Давлатнинг" радио-узелларини бино-иншоотлари	346,06	0,248	Бекобод тумани, Давлатнинг фермерлар уюшмаси ҳудуди	ВМ-252 05.08.2016г.	Бекобод тумани ҳокимлиги	200		1	12
2	Нотуражой бино-иншоотлари	824,17	0,199	Юқори Чирчиқ тумани, Суранкент ҚФЙ, «Базилар» маҳалласи	ВМ-252 05.08.2016г.	Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлиги	700		3	7
3	Жанубий кон бошқармасининг алоқа ўқувчиси биноси	420,62	0,380	Ангрен шаҳри, Қизилтоғ кўрғони (Қрасногорск)	ВМ-252 05.08.2016г.	"ННМК" ДКнинг Жанубий кон бошқармаси	350		2	5
4	Савдо биноси	236,10	0,0236	Олмалик шаҳри, Гиллар кўчаси	ВМ-252 05.08.2016г.	"Олмалик асосий" ўқув-ишлаб чиқариш компанияси" МЧК	200		1,5	6
5	Нотуражой бино-иншоотлари	724,62	0,100	Ангрен шаҳри, Янгибобод кўрғони, Габул-Гузар кўчаси	ВМ-252 05.08.2016г.	Ангрен шаҳар ҳокимлиги	1300		2	10
6	Дўкан биноси	420,76	0,050	Ангрен шаҳри, Махмуд кўчаси	ВМ-252 05.08.2016г.	Ангрен шаҳар ҳокимлиги	800		2	10
7	Портатив модаларини савдои оғори бино-иншоотлари	609,51	6,65	Ангрен шаҳри, Қрасногорск кўрғони	ВМ-252 05.08.2016г.	"ННМК" ДКнинг Жанубий кон бошқармаси	1500		2	15
8	Савдо 7-қавати ўқувчиси бино-иншоотлари	246,06	0,16	Бекобод шаҳри, Паллабод кўчаси	ВМ-252 05.08.2016г.	Бекобод шаҳар ҳокимлиги	150		2	5
9	Еттичи қўйта ишлаб чиқариш бино-иншоотлари	353,13	0,690	Чирчиқ тумани, Эшпабод ҚФЙ ҳудуди	ВМ-252 05.08.2016г.	Чирчиқ тумани ҳокимлиги	200		2	5
10	Савдо 1-қавати бино-иншоотлари	123,13	0,060	Оққўрғон маҳалласи, Ўққўрғон ҚФЙ	ВМ-252 05.08.2016г.	Оққўрғон тумани ҳокимлиги	100		1,5	4
11	47-сонли умумтаълим мактаби бино-иншоотлари	756,32	0,170	Чирчиқ тумани, Туркистон ҚФЙ ҳудуди	ВМ-252 05.08.2016г.	Чирчиқ тумани ҳокимлиги	300		2	7
12	Алоқали турли радио-узелларини бино-иншоотлари	160,26	0,240	Оққўрғон тумани, Қоратўғай ҚФЙ ҳудуди	ВМ-252 05.08.2016г.	Оққўрғон тумани ҳокимлиги	150		2	5
13	19-сонли мактаб бино-иншоотлари	402,9	0,04	Урта Чирчиқ тумани, Истиқлол ҚФЙ, «Янги ҳаёт» ҳудуди	ВМ-252 05.08.2016г.	Урта Чирчиқ тумани ҳокимлиги	500		1,5	6
14	57-сонли мактаб бино-иншоотлари	508,45	0,062	Урта Чирчиқ тумани, Истиқлол ҚФЙ, «Янги ҳаёт» ҳудуди	ВМ-252 05.08.2016г.	Урта Чирчиқ тумани ҳокимлиги	600		2	18
15	Савдо 61-сонли умумтаълим мактаб бино-иншоотлари	361,36	0,152	Урта Чирчиқ тумани, Янгибобод ҚФЙ, «Янги ҳаёт» ҳудуди	ВМ-252 05.08.2016г.	Урта Чирчиқ тумани ҳокимлиги	300		1,5	8
16	Савдо 1-қавати бино-иншоотлари	1900	0,9335	Чирчиқ шаҳри, В. Хайдаров кўчаси, 20-А уй	ВМ-252 05.08.2016г.	Чирчиқ шаҳар ҳукумати	3500		2	8
17	Нотуражой бино-иншоотлари	709,17	0,2757	Чирчиқ шаҳри, Менделеев кўчаси, 8-уй	ВМ-252 05.08.2016г.	Чирчиқ шаҳар ҳукумати	1500		2	6
18	"Ўзбекистон" Қўйта бино-иншоотлари	141,1	0,014	Зангиота тумани, Бўзқўр ҚФЙ ҳудуди	ВМ-252 05.08.2016г.	Зангиота тумани ҳокимлиги	150		2	5
19	Нотуражой биноси	1455,72	1,030	Юқори Чирчиқ тумани, Навоий ҚФЙ, «Навоий маҳалласи	ВМ-252 05.08.2016г.	Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлиги	1200		2	10
20	Савдо 60-сонли боғи бино-иншоотлари	927,95	0,646	Юқори Чирчиқ тумани, Аринч ҚФЙ, «Обод» маҳалласи	ВМ-252 05.08.2016г.	Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлиги	1000		2	10
21	Ҳаммом (суна) бино ва иншоотлари	261,69	0,026	Чирчиқ шаҳри, Х. Махсумов кўчаси, 3-уй	ВМ-252 05.08.2016г.	"Чирчиқ автобас-таксимот саройи" МЧК	400		2	7
22	Фойдаланилмаётган почта бино ва иншоотлари	115	0,012	Чирчиқ шаҳри, Раҳмон кўчаси, 1-А уй	ВМ-252 05.08.2016г.	"Чирчиқ қўйта материаллари ва конструкциялари қўйта" МЧК	200		2	5
23	Ўқув ишлаб чиқариш қўйта бино ва иншоотлари	1513,7	0,316	Янгибобод тумани, Хўжабод кўрғони	ВМ-252 05.08.2016г.	"Ўқувчиси таъмирлаш, янгилаш ишлаб чиқариш қўйта" МЧК	1500		2	10
24	"Бўстонлик" клуб биноси	1074,1	0,1075	Бўстонлик тумани, Раззакан ҚФЙ	ВМ-252 05.08.2016г.	Бўстонлик тумани ҳокимлиги	1500		2	10
25	18-сонли мактаб филиалининг фойдаланилмаётган бино бино-иншоотлари	3394,0	1,2	Ангрен шаҳри, Янгибобод кўрғони, Қочқор кўчаси	ВМ-252 05.08.2016г.	18-сонли умумтаълим мактаби	350		2	50
26	2 қавати бўли турли бино	800	0,11	Оққўрғон тумани, Эшпабод кўрғони, Габул-Гузар кўчаси, 44-уй	ВМ-252 05.08.2016г.	Оққўрғон тумани ҳокимлиги	200		2	20
27	Савдо 60-сонли боғи бино ва иншоотлари	553	0,36	Чирчиқ шаҳри, Янгибобод кўчаси, 1-А уй	ВМ-252 05.08.2016г.	Чирчиқ шаҳар ҳукумати	275		1,5	15
28	Фойдаланилмаётган нотуражой биноси	180	0,02	Ангрен шаҳри, 5/3 йўли	ВМ-252 05.08.2016г.	Ангрен шаҳар ҳокимлиги	30		1	3

Инвестиция қилишнинг мобайнида яратилган ишчи ўринлари, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш йўлга қўйилгандан сўнг кейинги 1 йил давомида сақланади. Танловда қўйиб деб топилган талаб-гор шартнома имзолангандан кейин 30 кун муддат ичида танлов объектини мустақил баҳоловчи ташкилот томонидан баҳолаётган, бунда баҳолашга кетадиган сарф-харажатлар танлов қолиби томонидан қопланади.

Инвестиция қилишнинг шартли шартли "ноль" харид қийматида хусусийлаштирилган инвестор томонидан инвестиция қилишнинг муддати тугаб, ишлаб чиқариш

Танловда қатнашиш учун талабдор ёки унинг ваколатли вакили шахсан ёхуд почта орқали ҳудудий танлов комиссиясининг ишчи органига танлов тўғрисидаги хабарномада белгиланган муддатда танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда икки нусхада буюртманомга тақдим этади:

Танловда қатнашиш истаги билдирилган ариза,

- нодавлат юридик шахслар учун - давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, таъсис ҳужжатлари нусхаси ҳамда ваколатли вакилнинг танловда қатнашиш учун қўнун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхасини илова қилган ҳолда;

- жисмоний шахслар учун - паспорт нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашганда, шунингдек, қўнун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхасини илова қилган ҳолда;

- икки нусхадаги муҳрланган конвертга солинган танлов ҳужжатларига мувофиқ тузилган танлов таклифи, унда қуйидагилар бўлиши керак:

- бизнес-режани бажариш, асбоб-ускуналар етказиб бериш (назарда тутилган бўлса) муддатлари, ишлаб чиқариш режалаштирилган маҳсулот турлари ёхуд кўрсатилган хизматлар рўйхати ва уларнинг рақобатбардорлиги, хом ашё, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, мавжуд асбоб-ускуналар ва ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш тадбирлари, қўйлаётган иқтисодий самара тақдирлари, қўйлаётган режаси, жумладан, инвестиция қилишнинг режаси;

- инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларининг тури, муддати ва уларни бажариш, шу жумладан, давлат мулки объектини молиявий-иқтисодий соғломлаштириш ёки унинг ҳудудидан ҳўқалик жиҳатида фойдаланиш шартлари;

"AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТИ

2016 йил 2 декабрь кўни соат 11.00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари тақдоран қўйилмоқда: 1. ЖИБ Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани судининг 10.03.2016 йилдаги 1-41/2016-сонли ижро варақасига асосан, Бўстонлик СИБ томонидан хатланган, Бўстонлик тумани, Газалкент-2 "Мария текстил сервис" МЧК жарима майдончасида сақланган, бошланғич баҳоси - 1 835 205 сўм бўлган, 1973 йилда и/ч, д/р 10Y481НА бўлган, "ГБ-СПГ-ВАЗ-2101" р-ли ав-но; 2. 10.12.2010 йилдаги 1049/10-сонли ижро ҳужжатига асосан, Ангрен шаҳар СИБ томонидан хатланган, бошланғич баҳоси - 4 305 203 сўм 53 тийин бўлган, 1983 йилда и/ч, д/р 11А67-17 бўлган, "КАМАЗ" р-ли ав-но. Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан тумани СИБ вакили иштирокчида бевосита танишиш мумкин. Аукцион савдоси қолиби савдо турли кундан бошлаб 5 (беш) банк кўни ичида мулк учун тўловларни амалга оширишнинг лозими. Аризалар қабул қилиш аукцион савдоси бошлангандан 1 (бир) кун олдин соат 11.00 да тўхтатилади. Савдо "AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг савдолар залида бўлиб ўтади. Талабдорлардан аризалар ҳар кўни

(дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидида талабдорлар тузилмадан закалат қилишнинг асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Савдо ташкилотчи"нинг АТБ "InfinBANK"даги, МФО 01041, ИИН 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: жисмоний шахслар - паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва Устав нусхаси, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; чет эл юридик ва жисмоний шахслари сўмдаги маблағларларнинг қилиш қўнунлигини тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор қўчаси, 6-уй. Тел.: (95) 193-74-96, e-mail: info@aukcion.uz. Гувоҳнома № 005148.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2005 йил 28 февралдаги Р-2146-сонли Фармоиши билан тасдиқланган "Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари директорларини танлаш ва тайинлаш тўғрисида"ги Низомга асосан қуйидаги таълим мауассасасининг вакант (бўш) бўлган **ДИРЕКТОР ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

Т/р	Таълим муассасаси номи	Манзили
1.	Юқори Чирчиқ агросаноат ва иқтисодиёт касб-хунар коллежи	Юқори Чирчиқ тумани, Суранкент ҚФЙ, А. Яссавий номи маҳалла
2.	Зангиота қурилиш ва сервис касб-хунар коллежи	Зангиота тумани, Кўксарой кўрғони

Танловда олий маълумот (маданият ва спорт ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасидаги таълим муассасаларида, академик лицей, КХҚнинг таълим йўналишларидан камид биттаси ёки билим соҳаси бўйича олий маълумот); таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стажига 3 йилдан кам эмас ёки академик лицей, КХҚнинг соҳа йўналишлари бўйича 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажига эга мутахассислар иштирок этишлари мумкин. Таълим муассасаси йўналиши бўйича илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган раҳбар лавозимларидаги шахслардан иш стаж талаб қилинмайди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 19 июндаги "Хизматчиларнинг асосий қўшимчалари ва ишчилар касбларининг аниқланган классификациясини тасдиқлаш тўғрисида"ги 164-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 2016 йил 25 июлдаги 210-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Ўрта махсус, касб-хунар таълими ходимларининг тармок тариф-малака маълумотномаси" малака талабларига жавоб бериши керак.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 28 март кўни 1461-сонли давлат рўйхатидан ўтган "Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида раҳбар ва ўқитувчининг бўш лавозимларини эгаллаш учун уларни танлов асосида танлаб олиш тўғрисида"ги Низом асосида қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган **ДИРЕКТОР ЎРНИНБОСЛАРИ ЛАВОЗИМЛАРИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбошлари:

- Оққўрғон ижтимоий-иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи;
- Зангиота хизмат кўрсатиш касб-

хунар коллежи;

- Зангиота озиқ-овқат касб-хунар коллежи.

Ўқув ишлари бўйича директор ўринбошлари:

- Чирчиқ техника касб-хунар коллежи;
- Чирчиқ саноат ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи;

Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбошлари:

- Нуробод энергетика ва иқтисодиёт касб-хунар коллежи.

ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ДИРЕКТОРИНИНГ ЎРНИНБОСЛАРИ ЛАВОЗИМИГА ҚАЙТА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбошлари:

- Бекобод техника-иқтисодиёт касб-хунар коллежи.

Директор ўринбошлари лавозимига танловда иштирок этувчи номзодлар:

- Ўқув ишлари бўйича директор ўринбошлари лавозимига академик лицей, КХҚнинг таълим йўналишларидан камид биттаси ёки умумтаълим фанлари бўйича олий маълумотли (маданият, спорт ҳамда тиббиёт соҳаси бундан мустасно) ва таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий бошқарув фаолияти) иш стажига 5 йилдан, малакавий даражаси катта ўқитувчидан кам эмас. Илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган шахсларга иш стаж талаб этилмайди;

б) маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбошлари лавозимига ижтимоий фанлар бўйича ёки педагогик олий маълумот ва таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий бошқарув фаолияти) иш стажига 5 йилдан кам эмас. Илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган шахсларга иш стаж талаб этилмайди;

в) ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбошлари лавозимига касб-хунар коллежининг билим со-

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун мобайнида қабул қилинади. Мурожаат учун манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қорамурт кўчаси, 1-уй.
Маълумот учун телефон: 150-40-87

"Respublika mulk markazi" AJ "Toshkent mintaqaviy filiali" бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога тақдоран Чирчиқ шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент вилояти ҳўқалик судининг 23.07.2015 йилдаги 11-1535/7167-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Чирчиқ шаҳри, Электро машинаасозлар кўчаси, 1-уй, Чирчиқ трансформатор заводи ҳудудида сақланаётган, 4 дон "Устройство комплексного распределительного серии "МИЛ МР 12-630-СТР-5750-У3", масса 600 кг., 2012 йилда ишлаб чиқарилган, хар бирининг бошланғич баҳоси - 36 000 500 сўм, жами 145 626 001 сўм, 4 дон "Устройство комплексного распределительного серии МЛМ МР 12-25/3150-IF-C-1000У3", масса 1250 кг., 2012 йилда ишлаб чиқарилган, хар бирининг бошланғич баҳоси - 52 587 167 сўм, жами 210 348 666 сўм, 2 дон "Устройство комплексного распределительного серии МЛМ МР (шкаф секционного выключателя)", МЛМ МР 12-31,5/2500БС-C-1000У3", масса 950 кг., 2012 йилда ишлаб чиқарилган, хар бирининг бошланғич баҳоси - 42 629 834 сўм, жами 85 259 668 сўм бўлган мол-мулк қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2016 йил 28 ноябрь кўни соат 10.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кўнлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишнинг баҳоси - 250 000 000 сўм.

Савдога Бекобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 26.07.2016 йилдаги № 5831-сонли ижро ишига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бекобод тумани ИИБ ЙХХБ жарима майдончасида сақланаётган, "Нексия" русумли, д/р 10N085DA бўлган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган техник соҳа авто-транспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 26 000 000 сўм.

Савдога Қуйи Чирчиқ тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 05.11.2012 йилдаги № 7803-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ тумани ИИБ АМТФББ жарима майдончасида сақланаётган, "Баз-21063" русумли, д/р 10B085DA бўлган, 1984 йилда ишлаб чиқарилган техник соҳа авто-транспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 2 917 000 сўм.

"VIP REAL ESTATE" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОСИГА МАРҲАМАТИ

2016 йил 2 декабрь кўни соат 12.00 да мулк бошланғич баҳосининг босқичма-босқич оширилиши тартибда ўтказиладиган "Очик аукцион" савдосига Бўстонлик тумани СИБ томонидан хатланган қуйидаги мулклар қўйилмоқда: 1. Тошкент вилояти 1599-сонли ижро варақасига асосан, Бўстонлик тумани, Газалкент шаҳри, Мармар кўчаси, 1-уйда жойлашган: 1.1 Бошланғич баҳоси - 761 381 563 сўм бўлган, майдони 1155,51 кв.метр (литер-0001) 2 қаватли маъмурий бино; 1.2. Бошланғич баҳоси - 115 714 260 сўм бўлган, майдони 377,42 кв.метр (литер-0006) маҳсулот кесми (штрп) чехи биноси; 1.3. Бошланғич баҳоси - 78 288 178 сўм бўлган, майдони 668,65 кв.метрдан иборат (литер-0013) мармардан мозаика ишлаб чиқариш (мазалик) чехи биноси; 1.4. Бошланғич баҳоси - 101 519 607 сўм бўлган, майдони 242,50 кв.метрдан иборат (литер-0008) компрессор биноси; 1.5. Бошланғич баҳоси - 101 593 041 сўм бўлган, майдони 241,88 кв.метрдан иборат (литер-0004) 2 қаватли гараж маъмурий биноси; 1.6. Бошланғич баҳоси - 155 855 469 сўм бўлган, майдони 805,03 кв.метрдан иборат (литер-0003) гараж боқари 1-боқос биноси; 1.7. Бошланғич баҳоси - 169 543 054 сўм бўлган, майдони 805,03 кв.метрдан иборат (литер-0005) гараж боқари 2-боқос биноси. 2. ЖИБ Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани судининг 12.04.2016 йилдаги 1-101-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси - 28 658 816 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Газалкент шаҳри, Мустанқилик кўчаси, 95/12-уйда жойлашган, умумий майдони 31,60 кв.метр, ту-

охирги муддати: 2016 йил 25 ноябрь соат 18.00 гача.

Савдога Қибрай тумани суд ижрочилари бўлими томонидан № 4941-сонли ижро ишига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ялангоҳ посёлкасида жойлашган, "Полимер груп Азия" МЧК биносида сақланаётган, ишчи ҳолдадиган "SJ 90-33" русумли полиэтилен трубаарини ишлаб чиқариш ускунаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 250 000 000 сўм.

Савдога Бекобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 26.07.2016 йилдаги № 5831-сонли ижро ишига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бекобод тумани ИИБ ЙХХБ жарима майдончасида сақланаётган, "Нексия" русумли, д/р 10N085DA бўлган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган техник соҳа авто-транспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 26 000 000 сўм.

Савдога Қуйи Чирчиқ тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 05.11.2012 йилдаги № 7803-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ тумани ИИБ АМТФББ жарима майдончасида сақланаётган, "Баз-210

ТОҒЛАРИЮ БОҒЛАРИ ЎСАЁТГАН ЮРТ

Шу ҳаёллар билан Ангренга кириб бордик. Ангрен – тоғлар маскани, бисотидаги бор бойлигини элга улашган саховатпеша замин. Бағридаги қанчадан-қанча маъданларини болаларига илинган меҳридарё она шаҳар. Унинг истиқболи бугунгидан-да ёруғ, фарзандларининг ҳаёти ҳар қачонгидан фаровон бўлиши аниқ. Ахир, Ангрен эркин иқтисодий ҳудудига берилган имкониятлар – қўшма корхоналарнинг уч йилдан ўн йилгача турли солиқлардан озод этилиши, четдан келтириладиган ишлаб чиқариш ускуналарига давлат божи тўланмаслиги каби кўпдан-кўп имтиёзлар эртанги юксак тараққиётга мустаҳкам пойдевор бўлиши аниқ.

Поезд Ангрен сув омбори ёқасида бир мuddат тўхтади. Шунда англадики, келгусида бу ерлардаги экотуризм ривожини кўлаб, махсус бекат қурилган. Шу паллада ён-атрофимиздаги тоғлар тош-

лари кўзимизга новводдек кўринди. Темиртан "Бойчибор" яна йўлга чиқди. Қамчиқ довоғига кўтарилганимиз сари Ангрен кўмири кони, турли заводлар қаф-дагидек намоён бўлиб борди...

Довон йўлининг ўнг четидаги кенг сой ўртасида алоҳида ажралиб турган қирмизи қоя эътиборимизни жалб этди. Ҳамроҳларимиз бу ўсаётган навқирон тоғ эканлигини айтишди. Уларнинг гапидан кўнглимиз ҳам тоғдек ўсди. Ўзбекистонимиз – тоғларияу боғлари шиддат би-

лан кўкка бўй чўзаётган, ўсаётган юрт!

Кўп ўтмай, "Орзу" бекати-га етдик. Бу ўн тўққиз минг икки юз метрлик туннель оғзидаги бекат. Мана, Навоий бобо таърифлаган тош-йўнар Фарҳод издошлари – Чин юрти йўлсозларияу ўзимизнинг чинакам Алпомиш ўғлонларининг заҳматли меҳнатлари эвазига бунёд бўлган туннель! Янги "Хайрат ул-аброр" ёзишга етарли мавзу!

Туннелдан ўтиб, Наманганнинг Чодак каби ўнлаб сўлим

кишлоқлари оралаб, кўзларимиз, кўнглиларимиз хайрату ҳаяжонга тўлиб бораёямиз. Йўлдаги бекатларга берилган номлар янада хайрли. Айниқса, "Темирйўлобод" деган ном ажойиб бўлибди.

Халқ шоири Иқбол Мирзониинг сатрлари ҳаёлимизда айланади:

Ҳафтаб йўл қараб
сарғаймас Кумуш,
Тоғни толқон қилди
бобомерос мушт,
Тин олди довоғига боқиб
Алпомиш,
Тоғларни кўпорди
ёйларинг, ўзбек.

Тошкентдан йўлга чиққаннимизнинг олтинчи соатида Андижонга қадам қўйдик. Биз жойлашган вагонда йўлсоз йигитлар бор экан. Уларнинг таъкидлашича, келгусида поезд Андижонга беш соатда кириб келаркан. Яъни, пўлат изларни янада мустаҳкамлаш орқали унинг тезлигини ошириш мумкин бўларкан.

Шундай, бундан буён юртимиздаги тараққиёт шиддати йил сайин ортиб бораверади!

Шоира БОЗОРОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.



◀ Бошланғич 1-бетда.

Боболар от сурган бу заминда, қадим-қадим замонда бир ёвқур чавандоз ўтган экан. Унинг тилини бурро, юзини ёруғ қилган учқур тулпори бўлган экан. Кун етиб, тулпор хорибди, мангу сафар вақти етибди. Севимли тулпорнинг ёлдан тугган чавандоз: "Ҳай, ўтар дунёда ҳамманинг холи шу экан-да", дея кўзларидан оқаётган ёшни бола-бақрасидан яшириб йиғлабди.

– Мендан рози бўл, учқур саманим, сўзинг бўлса, ҳозир айтгинки, қиёматда домангир бўлма, – дея отига юзланибди.

Яратганнинг мўъжизаси билан тилга кирган жонивор ҳожасига шундай дебди:

– Эй марҳаматли зот, яхши ва ёмон кунларингга доим ёнинг-да турдим. Сен савашу кўпқаридан, тўю-томошадан сўнг давраларда гап-гаштак еганинг-

отландик. Ўшанда сенга ҳамроҳ бўлган жўранг билан гурунглашиб кетаман, деган ниятда уловни алмаштирдим. Унинг арава-сига чиқдинг. Ровий-

нинг сеvimли тулпоринг йиғлаб, зор қақшаб ортингдан борарди. Ўшанда Худодан забон ато этиши ва сенга дилимдаги аламли сўзларни ай-

зашакнинг думига боғлаб қўйганингга, қалбимда нималар кечганини тасаввур қилганмисан? Кечир, чавандозим, рост айтаманки, мен барча қилгил-қилларингни унутганман. Лекин шу ишингни асло кечира олмайман..."

Шу сўзларни айта туриб, тулпорнинг жони узилибди. Чавандоз эса тоғу тошга бош олиб кетибди. Уни қайтиб кўришмабди.

Қиссадан хисса шуки, ҳар кимнинг ўз қадр ва савия-даражасига монанд муомала қилинмас экан, дунёнинг кўҳна мантиси бузилади. Ришталар омонат бўлиб қолади.

Беҳзод ҚОБУЛОВ.

□ Моҳият

ТУЛПОРНИНГ НОЛАСИ

да ҳам қабатингга турдим, остонага термулиб қадамнинг пойладим. Фарзандларинг, набираларинг елкамда улғайди. Мен ҳаммасидан розиман; домангир эмасман. Аммо, шўни билки, бир вақтлар қилган ишинг қалбимда ҳамон ўчмас доғ бўлиб турибди. Эсингдами, бир сафар кўшни овулга тўйга

лар айтадики: "Арава-сига чиққандан кейин, ашуласиниям эшитасан". Лекин бу сафар, сен аравага чиқдинг, мен маҳзунлик, ғамза-далиқ ҳақида ортингга ўнсиз кўйлаб боравердим. Сен эса бошқа аравада эдинг... Сен ҳеч пайқамадинг, гангур-гунгур суҳбат қуриб кетавердинг. Худди ўша пайтда сен-

тишга имкон туғилишини сўрадим. Бироқ, тақдир экан, энди вақти етди – гапимни эшит, чавандозим. Мен – минглаб тулпорлар орасидан улоқни айирган тулпор эдим. Мен – орингни давраларда талашган ва уни елкамда кўтариб, асло ерга туширмаган дўстинг эдим. Аммо, ўшанда: мени

Тошкент вилояти «Дори-дармон» АЖ



жамоаси тиббиёт ва фармацевтика ходимларини касб байрамлари билан муборақбод этади. Уларнинг хайрли ва масъулиятли ишларида муваффақиятлар тилайди.



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи
Ғайрат
ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.
Электрон почта:
thaqiqat@uam.uz

Қабулхона:
Бўлим муҳаррирлари ва
мухбирлар:
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:
233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).
233-38-23, 233-48-08.
233-81-21, 233-65-59.
233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2011 йил
12 январда 03-001 рақами билан
руйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Назоратчи мусахҳиҳ
Кумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ